2009-yil 21-fevral № 22 (2591) shanba

# Ishonch

Insonga naf keltirish – oliy baxt

O`zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi gazetasi

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

Мухтасар ифодаланган ўткир фикрлар ҳаётни яхшилашга хизмат қилади.

ЦИЦЕРОН

## ТУРКМАНИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФИГА ДОИР

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан Туркманистон Президенти Гурбонгули Бердимуҳаммедов 24-25 феврал кунлари расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлади.***

Ташриф чоғида Ўзбекистон-Туркманистон ҳамкорлигини ривожлантириш ва кенгайтириш масалалари, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб муаммолар муҳокама қилинади.

Музокаралар якунида икки давлатнинг турли соҳалардаги ҳамкорлигини ривожлантиришга қаратилган икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилмоқда.

## Ҳамкорлик





*Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашида Корея Республикаси Меҳнат вазирлигининг халқаро ҳамкорлик бошқармаси бошлиғи Ким Юн Те бошчилигидаги делегация қабул қилинди.*

Мулоқот давомида Ўзбекистонда меҳнат муносабатлари ва унда касаба уюшмаларининг ўрни, меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоя қилишда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Савдо-саноат палатаси билан ҳамкорлик ҳақида батафсил ахборот берилди. Шунингдек, кореялик инвесторлар билан ташкил этилган қўшма корхоналар, бу корхоналарда меҳнат қонунчилиги ва касаба уюшмалари ҳуқуқлари ҳимояси юзасидан фикр алмашилди.

Меҳмонларнинг Ўзбекистонга ташрифидан мақсад юртимиздаги Корея билан тузилган қўшма корхоналарда меҳнат муносабатлари ва ходимлар ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг аҳволини ўрганиш асносида бу борада ҳамкорликни такомиллаштириш масалаларига ҳам эътибор қаратилди. Шу билан бирга юқори малакали инженер-техник ходимларнинг Кореяга юборилишидан манфаатдор эканликларини билдирдилар. Корея Меҳнат жамғармаси ҳузуридаги таржимонлик марказида Кореяда ишлаш истагида бўлган хорижлик фуқароларни бепул ўқитиш учун барча шарт-шароитларни яратиб беришга ҳозирлик изҳор этилиб, бу йўналишда Ўзбекистон касаба уюшмаларининг иштироки иккала томон учун ҳам фойдали эканлиги таъкидлаб ўтилди.

**Суратларда: тадбирдан лавҳалар.**

**Икром ҲАСАНОВ олган суратлар**

## Янгиликлар панорамаси

***Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашида жамоатчилик асосида фаолият юритувчи Ёшлар кенгаши ташкил этилди.***

### Ёшлар кенгаши йиғилиши

Унинг ташкилий йиғилишида Ёшлар кенгаши раиси Мурoджон Шарифжонов қатнашчиларни кенгашнинг раёсат аъзолигига кўрсатилган номзодлар ҳамда 2009 йилга мўлжалланган иш режаси билан таништирди.

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида республикамизнинг барча вилоятларида, айниқса, қишлоқларда яшаётган ёшларнинг ўқишдан бўш вақтларидаги меҳнатлари учун муносиб иш ҳақи олишлари, уй-жой билан таъминланишлари, аҳолининг озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан мўътадил нархларда таъминланиши каби масалаларда касаба уюшма ташкилотларининг иштироки жорий йилнинг иш режасида ўз аксини топган бўлиб, унинг амалга оширилиши барча имкониятлар ишга солиниши таъкидлаб ўтилди.

**Дилором АЛЛАҚУЛОВА,**
**«Ishonch» мухбири**

***«Андижонни кўркам ва обод вилоятга айлантирайлик» шиори остида ўтган йили барча туманларда ташкил этилган танлов натижаларига кўра Балиқчи тумани ғолиб деб топилди.***

### Анъанага айланган танлов

Танлов вилоятда анъанавий тарзда турли йўналишларда ўтказиб келинади. Унда энг яхши бадиий дастурлар билан иштирок этган Балиқчи, Избоскан ва Шаҳрихон туманларига 1 млн. сўмдан пул мукофоти берилди.

Вилоят ҳокими А.Усмоновнинг қарорига кўра бу йил ҳам танлов уюшқоқлик билан ўтказилади. Ташкилий қўмита ҳамда ҳакамлар ҳайъати тасдиқланган.

**Абдулҳай ЮНУСОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

***Яқинда Сирдарё вилояти марказида етим қолган норасидаларга мўлжалланган «Болалар шаҳарчаси» бунёд этилди. У Гулистон шаҳрининг 5-мавзесида жойлашган.***

### Савобни ҳар куни қил

Мазкур муассасанинг аввалги меҳрибонлик уйидан фарқи шундаки, бу ерда 10 та коттеж қурилган. Уйларнинг ҳар бирида ўнтадан бола тарбиячи билан бирга яшайди. Асосий мақсад — чинакам олиавий муҳитни яратишдир.

«Болалар шаҳарчаси»ни моддий қўллаб-қувватлаш бўйича тузилган «Меҳржон» жамоатчилик жамғармасининг бош таъсисчиси вилоят ҳокимлиги; электр станцияси, «Гулистон нефт базаси» унитар корхонаси, «Қишлоқхўжаликкимё» акциядорлик жамиятининг вилоят филиали, «Гулистонэкстрактёғ», «Оқолтиндон» ва «Ховосдан» каби очиқ акциядорлик жамиятлари жамғарманинг васийлари этиб белгиланди.

**Пиримқул ДЎСТМАМАТОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

***Аҳолининг омонатларини жалб қилиш бўйича республика тижорат банклари ўртасида ўтказилган нуфузли танловда «Ўзсаноатқурилишбанк» Қашқадарё вилояти минтақавий филиалининг Китоб минибанки муваффақиятли иштирок этиб, асосий йўналишлардан бирида ғолибликни эгаллади.***

### Кўрик-танлов ғолиби

Фуқароларга намунали хизмат кўрсатаётган мазкур молия муассасаси «Қишлоқ жойларида аҳоли омонатларини жалб қилиш бўйича йилнинг энг яхши минибанки» дея эътироф этилди ва махсус диплом ҳамда қимматбаҳо совға билан тақдирланди. Минибанк бошқарувчиси Отабек Юсуповнинг таъкидлашича, ўтган бир йил ичида мижозлар сони икки бараварга ошиб, аҳолининг банк хизматларига ишончи ва талаби ортиб бормоқда. Қишлоқ аҳлига тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантиришда имтиёзли кредитлар ажратилмоқда.

**Иззат ҲИКМАТОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

## Жамоа шартномаси: у қандай бажарилмоқда?

## Меҳнаткаш ҳимояси – бош вазифа

***Режа, иш самарадорлиги ва албатта олинган даромад ҳақида кўп ва хўп гапирамиз. Лекин ўйлаб қаралса, буларнинг барчаси меҳнат кишисининг ҳуқуқ ва манфаати муносиб тарзда ҳимоя қилинган тақдирдагина амалга ошади.***

Бунда иш берувчи ва меҳнат жамоаси ўртасида тузилган жамоа шартномаси асосий омил ҳисобланади. Йил сайин ушбу масалага эътибор кучайиб бораётгани ҳам аслида шундан. Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши ва унинг жойлардаги бирлашган касаба уюшма қўмиталари нафақат жамоа шартномасини имзолаш, шунингдек, унинг қай тахлит бажарилиши устидан муттасил назорат ўрнатган. Ўтган йили жамоа шартномаларининг бажарилиши юзасидан меҳнат жамоалари йиғилишларини ўтказиш жадвали ишлаб чиқилган бўлиб, шу кунгача тўртта вилоятда шундай тадбир ташкил этилди.

— 2008 йили жамоа шартномаси «Сурхондарё телеком» филиали ходимларини ижтимоий муҳофазалашда муҳим аҳамият касб этди, — дейди корхона раҳбари Рустам Тўхтамишев конференцияда. — Хусусан, тунги сменада ва байрам кунлари ишлаганда ҳамда меҳнат таътилига чиққанда ходимларга шартномада белгиланган имтиёзлар тўла-тўкис берилди.

«ЎзИ-Термиз» филиалида бўлиб ўтган конференцияда эса даромадни ошириб бориш ҳисобига сидқидилдан ишлаётган ходимларни рағбатлантириш, қўшимча хизмат турларини тарғиб қилишни йўлга қўйиш каби долзарб вазифаларга эътибор қаратилди.

Бундан ташқари, «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси, «Ўзбекистон почтаси» очиқ акциядорлик жамияти ва «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси Сирдарё, Бухоро ва Навоий филиалларида ҳам шундай тадбирлар бўлиб ўтди. Уларнинг барчасида амалга оширилган ишлар муҳокама қилиниб, ютуқларни оммалаштириш учун йўл-йўриқлар берилди. Камчиликларни бартараф этиш чоралари белгилаб олинди.

**Клара МУҲАМЕДЖАНОВА,**
**Алоқа ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг бўлим бошлиғи**

### ■ Жавоб

***Ургут туман «Мирзақишлоқ» маҳалласида яшовчи Б.Мўминовнинг таҳририятга йўллаган хати туман прокуратураси томонидан ўрганиб чиқилди.***

### Жиноят иши қўзғатилди

Аниқланишича, «Янгиариқ ҳамкор техсервис» ММТП ҳисобида бўлган 6 турдаги баланс қиймати 31.409.762 сўмлик техника воситаларининг 1.421. 000 сўмлик 21 турдаги эҳтиёт қисмлари талон-торож қилинган.

Мазкур ҳолат бўйича «Янгиариқ ҳамкор техсервис» ММТП мансабдор шахсларига нисбатан ЖКнинг 167-моддаси 2-қисми «г» банди билан жиноят иши қўзғатилди.

**А.ИМОМОВ,**
**Ургут тумани прокурори, адлия маслаҳатчиси**

## ■ «Инсонга наф келтириш - олий бахт» танловига

***Таниқли адиб Эркин Аъзамнинг асарларидан бирида «Нотаниш одамларнинг ҳаммаси бир-бирига ўхшайди» деган мазмундаги жумлани ўқиган эдим. Хўш, танишлар-чи, дўст-қадрдонлару эл-юрт назаридаги инсонлар-чи? Умримиз фасллари улар билан обод. Қай бирларини нуқул тўй-маъракаларда учратамиз, баъзиларини эса оғир кунларда... Қуйида ана шундай юртдошларимиздан бири, касаба уюшма фидойиси Шуҳрат Халилов фаолияти хусусида ҳикоя қиламиз.***



## «Тақдирин қўл билан яратур инсон...»

У 1959 йил 23 февралда Кармана яқинидаги Бешкент қишлоғида яшовчи иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Раҳим Халилов хонадонида дунёга келди. Бундан аввал икки ёш ўғли қизамиқдан вафот этган отанинг кўнгли тоғдай кўтарилди. Шоир Шуҳрат асарларининг мухлиси бўлган бу инсон яхши ният билан чақалоққа Шуҳрат деб исм қўйди. Уни Ҳалима ва Муҳаббат исмли опалари кўтариб катта қилишди.

Шуҳрат ўрта мактабни битириб, Тошкент давлат университетининг география факултетига ўқишга кирди. Университет томонидан Ғарбий Тяншан бўйлаб ташкил этилган «Чотқол-Чорвоқ» географик экспедицияси таркибида Ўзбекистоннинг энг сўлим гўшалари, энг юксак тоғларини кезиб чиқаркан, ватан туйғусини янада теран ҳис қилди. 1979 йили ҳарбий хизматни тугатиб, Карманадаги Фурқат номли мактабда педагогик фаолиятини бошлади. Изланувчан мутахассис Навоий туман ижроия қўмитаси ҳузуридаги тарихий ва маданий ёдгорликларни сақлаш жамияти масъул котиби этиб тайинланди. 1992 йили давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Навоий вилоят кенгаши раиси этиб сайланди. 1995 йили кўп йиллик изланишлар самараси ўлароқ устози Ахтам Ҳотамов билан биргаликда тайёрлаган Кармана тарихига оид «Йиллар садоси» китоби «Адолат» нашриётида 10 минг нусхада чоп этилди. Муҳими шундаки, Кармана тарихини ўрганаётган ёшлар, ҳатто олимлар ҳам ҳозиргача бу китобдан муҳим манба сифатида фойдаланишади. 1998 йили Молдовада ўтган халқаро касаба уюшмалари тармоқ конфедерацияси, Россияга хизмат сафари унинг фаолиятида ёрқин из қолдирди. Ҳиндистонда бўлиб, афсонавий Тожмаҳални зиёрат қилди. Хорижлик ҳамкасблари билан тажриба алмашди.

Бу орада анча йиллардан буён тўплаб келаётган ҳикматли сўзлар, афсоналар, ривоятларни жамлаб «Ибратомуз ҳикматлар» номи билан тўплам нашр эттирди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси «Ishonch» гаетасининг «Энг фаол муаллифлар»и рўйхатидан қайта-қайта ўрин олди. Шуҳрат Халиловнинг умр дафтари ҳар йили яхши ишлари билан зийнатланиб борди.

...Танишми, бегонами, ҳар қандай одамнинг ҳаёти ўзгалар учун нимаси биландир қизиқарли. Тўғри, бандасининг яшаган ҳар куни бир китоб. Ҳатто умрнинг бир куни ҳақида асарлар ҳам яратилган. Масалан, ёзувчи Фёдор Колунцевнинг 1970-йилларнинг охирида ёзилган «Тонг, кун, шом» деган романи бор. Крилов айтганидек, «Тарихда мисоллар жуда кўп бунга...».

Замондошимиз Шуҳрат Халилов ҳаётининг муҳим қисми касаба уюшмалари тизими билан боғлиқ.

— Айни пайтда, — дейди Шуҳрат Халилов, — давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Навоий вилояти кенгаши таркибида 196 та бошланғич ташкилот бўлиб, 10 мингдан ортиқ аъзомиз бор. Асосий вазифамиз уларни ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоялаш, хавфсиз меҳнат шароитини яратиш учун иш берувчилар билан муносабатларни тўғри йўлга солиш, жамоа шартномаси ижросини назорат қилиш. Учрашув ва давра суҳбатларида, матбуот орқали касаба уюшма аъзоларига ҳуқуқий маслаҳатлар берамиз. Ҳар йили турли муаммоларни ҳал этишга тўғри келади. Бундай пайтда амалдаги қонун талабларига тўлиқ риоя қилинса олам гулистон.

Касаба уюшма аъзоларининг қувончу ташвишлари билан яшаётган Шуҳрат Халилов ҳозир айни куч-ғайратга тўлган, эртанги кунга чексиз умид билан боқаётган ёшда.

Кексанинг ёшларга айтадиган бир гапи бор. Биз ҳам уни Шуҳратга айтиб қоламиз: «Сен юз ёшга ет, ўша кунларни биз ҳам кўрайлик!».

**Одил ҲОТАМОВ**

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши қошидаги

**Курортлар бошқармаси**



*Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги ҳудудида жойлашган Кисловодск шаҳридаги «ЎЗБЕКИСТОН» ва Ялта шаҳридаги «ЎЗБЕКИСТОН» санаторийларига йўлланмалар сотади. Бу сиз учун жуда қулай имконият.*

**Сизга сиҳат-саломатлик ва кўнгилли ҳордиқ тилаймиз!**
**Мулоқот учун телефон: 256-85-68, 256-78-15**

Ishonch 2009 yil 21 fevral
№ 22 (2581)

# 21-феврал — Халқаро она тили куни



**Ҳар бир тил ўзига хос жиҳатлари билан бошқаларидан ажралиб туради. Бизнинг тилда бўлгани каби бошқа тиллар ҳам ўзида халқининг ўтмишини акс эттиради.**

## Дунёга янгича нигоҳ

Бугун ўзбек тилига бўлган юксак эътибор билан бир қаторда хорижий тилларни ўрганишга ҳам кенг имкониятлар яратилган. Вазирлар Маҳкамасининг «Республика ўқувчи ёшларига ва мутахассисларига чет тилларни кенг кўламда ўқитиш тизимини такомиллаштириш ва унинг моддий-техника базасини ривожлантиришга оид тадбирлар тўғрисида»ги қарори бунинг яққол мисолидир. Чунки хорижий тилларни билиш жаҳон ва Ўзбекистон ўртасидаги ришталарни янада мустаҳкамлайди.

Тил билган эл билади. Дарҳақиқат, бугун тил ўрганишга қизиқиш тобора ортиб бормокда. Бу йўлда ҳар бир чет тили ўқитувчисининг зиммасида шогирдларининг хорижий тилга бўлган қизиқишини янада оширишдек масъулиятли вазифа бор. Хорижий тилни ўрганиш асносида ўша халқнинг турмуш тарзи, менталитети, маданияти, адабиёт ва санъатини ўрганиб борамиз. Нодир китобларни ўзга тилга таржима қилиш орқали халқимизни дунёга танитамиз. Психология фани чет тилини ўрганиш инсоннинг характерига ҳам ижобий таъсир этишини кўрсатмокда. Тил ўргансангиз шитоб билан ўзгариб бораётган даврда дунёнинг энг янги хабарлари билан биринчилардан бўлиб танишасиз. Турли жойлардаги асори-атиқалар ҳақида тўла тасаввурга эга бўласиз.

Британиялик олимларнинг эътирофича, иккинчи тилни ўрганиш миянинг нутқий равонликни таъминловчи қисмини ривожлантирар экан.

**Яна бир гап:** қанча кўп тил билсангиз, иқтисодий муаммоларингиз шунча камаяди. Натижада, дунёга янгича нигоҳ билан қарай бошлайсиз. Шу боис қийинчиликлардан чўчимай тил ўрганинг ва янги оламлар калитини қўлга киритинг. Энг муҳими эса ҳеч бир саволингиз жавобсиз қолмайди.

**Муяссар САПАРБОЕВА,**
**Тошкент юридик коллежи инглиз тили ўқитувчиси**



## «Камида тўртта тилни билиш керак...»

Тил - борлиқдаги жамики махлуқлар ичида инсонгагина берилган имконият. Чунки одам оламдаги ягона онгли мавжудот, онг эса тил орқали реаллашади. Жамиятни тилсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Тараққиёт бутун инсоният тўплаган билим ва тажрибаларни жамлаш, тўлдириш асосида содир бўлади, буни эса тилсиз амалга ошириш мумкин эмас. Шунинг учун барча замонларнинг мутафаккирлари тилнинг мислсиз аҳамиятини чуқур тушунганлар, унинг жамият тараққиётидаги ролига катта баҳо берганлар. Шарқнинг улуғ шоири Алишер Навоий :

**Инсонни сўз айлади жудо ҳайвондин,**
**Билким, гуҳари шарифроқ йўқ ондин.—**

дейди.

Тараққийпарвар инсониятнинг мақсади эзгулик, тинчлик ва тенглик, маърифат ва равнақдир. Бу мақсадга эришишда тил энг муҳим омиллардан бири. Жалолиддин Румийнинг «Маснавийи маънавий» асарида шундай машҳур ривоят бор: 4 киши, 4 хил миллат вакили - форс, турк, юнон ва араб биргаликда кетаётиб, йўлдан бир дирҳам пул топиб оладилар. Шу пулни тасарруф қилиш борасида баҳс чиқади.

Баҳс узоқ давом этса-да, сафардошлар бир қарорга кела олмайдилар. Шу чоғ олдиларидан турли тилларни биладиган бир киши чиқиб мунозарага якун ясайди. Маълум бўладики, уларнинг тўртови ҳам бир нарсани - узум сотиб олишни хоҳлаётган экан. Ҳикоятнинг рамзий маъноси жуда кенг. Лекин бош маъно шуки, мақсад бир бўлса ҳам, бир-бирини тушунмаган одамларнинг ягона қарорга келиши мушкул. Бундай хулоса тарихнинг ҳамма даврлари учун зарур бўлган. Бироқ бу сабоқ биз яшаб турган 21-аср учун янаям муҳимроқ бўлиб қолди. Бугун ер юзида содир бўлаётган турли тўқнашувлар, этник ва диний можаролар, экологик хавф охири бутун инсониятни ҳалокатга судраши ҳақида гапирилмоқда. Чиндан ҳам агар она замин бутун одамзотнинг ягона уйи эканини англамасак, ўзимиз яшаб турган уйни турли баҳсу жанжаллар маконига айлантирсак, келажак хавф остида қолиши аниқ. Бошқа халқларни ҳурмат қилмасдан туриб келажакни асраб қолиш мумкин эмас. Бошқа халқларга эҳтиром шу халқнинг тилини, динини, мустақиллигини, урф-одатларини ҳурмат қилишдан бошланади.

20-аср бошларида яшаган улуғ маърифатпарвар Маҳмудхўжа Беҳбудий «Икки эмас, тўрт тил керак» деган мақола ёзади. Қайси миллат жаҳолатдан қутулишни, маърифатга эришишни, тараққий қилишни хоҳласа, тил ўрганиши, болаларига бошқа халқларнинг тилларини ўргатиши лозим деб ҳисоблайди. Яна бир ўзбек шоири Аваз Ўтар Беҳбудийдан ҳам олдинроқ ёшларга шундай хитоб қилган эди:

***Ҳар тилни билув эмди бани одама жондур,***
***Тил воситаи робитаи оламиёндур.***
***Ғайри тилини саъй қилинг билгали, ёшлар,***
***Ким илму ҳунарлар ривожи ондин аёндир.***

Тил билиш — оламни билиш демакдир. Буни яхши англаган заҳматкаш тилшунослар қадим-қадимдан турли тилларни илмий тадқиқ қилиб, луғатлар тузиб, одамларнинг тил ўрганиш борасидаги қийинчиликларини енгиллаштирганлар. Бу борада Маҳмуд Кошғарийдан тортиб Баскаков ва Радловгача, Бартолд ва Крачковскийгача, Боровков ва Юдахингача бўлган улкан шарқшунос олимлар; Порсо Шамсиев ва бошқа яна жуда кўп тил билимдонларининг инсоният олдидаги хизматини ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди.

Нечта тилни билсанг, дунёга шунча эшикдан кириб борасан, деган гап бор. Чунки муайян тилни билиш шу халқ эришган хулоса ва билимларни ўзлаштириш йўлидаги биринчи ва катта тўсиқни олиб ташлайди. Мана шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, биз таҳсил олаётган Тошкент давлат шарқшунослик институтида амалга оширилаётган ишлар жуда ибратлидир. Бу ерда бир неча тил бўйича етук мутахассислар тайёрланади. Айни пайтда биз Европа тиллари бўйича ҳам сабоқ оламиз. Яна бир нарсани таъкидлаш керак: бизда тил билан бирга бошқа халқларнинг тарихи, иқтисоди, сиёсати, бугунги ҳаёти, анъана ва урф-одатлари ҳақида ҳам мукаммал билим берилади. Билим ва малакасини ошириш мақсадида ҳар йили ўнлаб талабалар хорижий мамлакатларга юборилади. Устозларимизнинг аксарияти бир неча соҳа мутахассисидир.

Халқимиз тарихида миллий тилга иккинчи даражали тил сифатида қаралган даврлар ҳам бўлди. Аммо миллатнинг жонкуяр, тараққийпарвар фарзандлари ҳамиша бунга қарши курашишган.

15-асрда туркий тилнинг бой ва гўзал тил эканлигини исботлаб берган киши Алишер Навоий бўлди.

***Турк назмида чу мен тортиб алам***
***Айладим ул мамлакатни якқалам,***

— деб ёзади шоиримиз «Лисон ут-тайр» достонида ифтихор билан.

20-аср бошларида шундай ҳаракат маърифатпарвар жадидлар томонидан амалга оширилди. Абдурауф Фитратнинг «Тилимиз» мақоласида жадидларнинг тил соҳасидаги қарашлари тўла акс этган. Унда тил софлиги, миллий тилнинг қонуний ҳақ-ҳуқуқи, тараққиёти масалалари кўтариб чиқилди.

Яқин тарихимиз ҳам бир неча миллий тиллар қаторида ўзбек тили учун инқироз даври бўлди. Халқнинг Эркин Воҳидовдай куюнчак шоирлари «Она тилим ўлмайди» деб куйдилар, куйладилар. Мустақилликнинг ғалабаси 1989 йилда ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилишидан бошланди десак, хато бўлмайди.

Бугун Ўзбекистонда бир неча миллат вакиллари истиқомат қилади. Уларнинг барчаси Ўзбекистонни ватан деб билади. Бир-бирига ҳурмат билан қараш, бир-бирининг тилини ўрганиш, қадриятларини эъзозлаш бизда ҳаётнинг оддий, аммо қатъий қоидаси ҳисобланади. Бизнинг мақсадимиз - маънавий юксак қадриятларни асраш, тили, дини, ирқи, ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар инсонни эъзозлаш, маърифатга интилишдир.

Тилга эътибор - элга эътибор деган нақл бор. Бу халқимиз миллатнинг энг муҳим, барқарор белгиларидан бири тил эканлигини жуда қадимдан англаганини кўрсатади. Ўз тилини севмоқ - ўз элини севмоқ; ўзга тилга ҳурмат эса шу тил эгаси бўлган миллатга ҳурмат демакдир.

Шарқдаги буюк ҳақиқатга кўра ҳали одам ҳам, олам ҳам яралмасдан олдин сўз бунёд бўлган. Бас, сўзда илоҳий нафас бор экан, тилга, сўзга бефарқ бўлишга ҳаққимиз йўқ.

**Афифа ҒАНИЕВА,**
**ТДШИ талабаси, Алишер Навоий номидаги стипендия соҳиби**




## Ўзбек компютер лингвистикаси



Биз ахборот асрида яшаяпмиз. Жадал ривожланаётган фан, техника даврида инсон жуда катта ҳажмдаги ахборот устида тезлик билан ишлашига тўғри келади. Бу жараённи бошқаришда инсоннинг имкониятлари (хотира, тезлик) чегараланган. Самарадорликни оширишнинг ягона йўли компютер воситасида ишлашдир. Бу ўз навбатида ҳамма соҳаларнинг компютер услубини яратишни тақазо қилади. Компютер медицинаси, иқтисодиёти, ҳуқуқшунослиги қатори тилшуносликда ҳам компютер лингвистикаси йўналишининг пайдо бўлиши табиий ҳол. Ўзбек компютер лингвистикасини яратиш олдимизда турган долзарб масаладир. Бу ўзбек тилини компютерга олиб кириш, яъни ўзбек тили билан боғлиқ ишлар (ўзбек тилида ўқитиш, билимларни баҳолаш (тест), матнларни ўзбекча овозлаштириш, ахборотни овоз орқали компютерга киритиш, таҳрир ва таржима қилиш)ни компютерда бажариш имконини яратади.

Ўзбек компютер лингвистикаси олдига қуйидаги талаблар қўйилади:

— ўзбек тилини ҳозирги замон жаҳон тиллари (инглиз, рус) даражасига олиб чиқиш;

— ўзбек тилини компютерга олиб кириш;

— амалий тилшуносликка бўлган эътиборни кучайтириш, тилшуносликни бозор иқтисодиёти билан боғлаш (реклама, лингвистик компютер дастурлари бизнеси).

Бу талабларга жавоб бериш учун эса қуйидаги муаммолар ҳал қилиниши керак:

— ҳозирги замон талабларига мос келадиган луғатлар яратилиши (изоҳли, таржима);

— ўзбек тили грамматикаси тўла яратилиши, яъни систематлаштирилиши. (Масалан, феъл, от шакллари, гап конструкциялари тўлиқ ўрганиб чиқилмаган. Инглиз ва рус тиллари эса муайян мезонлар асосида формалаштирилган).

— техниканинг янгиланиб бориши лексикологиянинг фақат терминалогик қатламига эмас, балки барча қатламига таъсир этмоқда. Масалан, синонимлар китобида синоним сўзлар қаторини беришда, биринчидан, унинг бугунги кундаги қўлланиш даражаси кўрсатилиши керак бўлса, иккинчидан, мана шу сўзларнинг рус ва инглиз тилларига мос келувчиларини ўрганиб чиқиш мақсадга мувофиқдир;

— тиббиёт, ҳуқуқ ва бошқа аниқ фанларга доир матнларни ўзбек тилида беришда ҳануз қийинчиликлар туғилмоқда;

— илмий-техникавий терминларни стандартлаштириш;

— матн кўринишидаги ахборотларни нафақат грамматик, балки маъно ва услубий жиҳатдан таҳлил қилувчи компютер дастурлари (сунъий интеллект) яратилиши;

— компютер орқали оғзаки ва ёзма таржимани амалга ошириш.

Компютер лингвистикаси олдида турган асосий масалалар қуйидагилардан иборат:

1. Ўзбек тилининг инглиз тили билан таққосланган тўлиқ маълумотлар базасини яратиш.
2. Ўзбек тили компютер-ахборот услубини ишлаб чиқиш.
3. Ўзбек тилининг лексик ва грамматик изоҳли луғатини яратиш.
4. Ўзбек тилининг формал моделини ишлаб чиқиш.
5. Матнларни ўзбекча ўқийдиган компютер дастури ишлаб чиқиш.
6. Ўзбек тилидаги маълумотларни компютерга овоз орқали киритиш (клавиатура ўрнига).
7. Ўзбек тилини ўргатадиган ва билимларни баҳолайдиган компютер дастурларини яратиш.
8. Ўзбекча-инглизча, инглизча-ўзбекча компютер луғатларини яратиш (Lingvo даражасига олиб бориш).
9. Ўзбекча «Windows» операцион системасини яратиш (6000 га яқин атамаларни ишлаб чиқиш ва 20000 варақли ёрдамчи матнларни таржима қилиш керак).
10. Ўзбекча-инглизча, инглизча-ўзбекча таржима дастурларини яратиш (инглиз ва рус тилларида бир неча тилли таржима дастурлари яратилган).
11. Ўзбекча матнларни таҳрир қилувчи компютер дастурларини яратиш (инглиз ва рус тилларида шундай дастурлар яратилган).
12. Инглиз тилида ўзбек тили дарслигини яратиш (бу чет эллик тил ўрганувчилар учун муҳим ҳисобланади).

Соҳани ривожлантириш учун эса ўзбек компютер лингвистикасини оммавий ахборот воситалари орқали тарғиб қилиш, ўзбек компютер лингвистикасини яратишни маблағ (грантлар, буюртмачилар, ҳомийлар) билан таъминлаш, компютер лингвистикаси бўйича мутахассислар тайёрлаш ишларини жадаллаштириш лозим.

**А.ПЎЛАТОВ,**
**профессор**

Muassis:
O`zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir:
Abduxoliq Abdurazzoqov

Tahrir hay`ati:
Alla DOLJENKOVA,
Anvar YUNUSOV,
Dovud MADIYEV
(Bosh muharrir o`rinbosari),
Jahongir SHAROFBOYEV
(Mas`ul kotib),
Ma`mura ADILOVA,
Mirzohid SODIQOV,
Normamat AllAYOROV,
Nosirxon AKBAROV,
Oysuluv NAFASOVA,
Pirimqul QODIROV,
Sog`indiq NIYETULLAYEV,
Shamsi ESONBOYEV

Bo`limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot 256-87-73
Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat 256-87-74
Milliy-ma`naviy qadriyatlar va sport 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash 256-85-43
Reklama va e`lonlar 256-03-90

Manzilimiz:
100165,
Toshkent shahri,
«Buxoro» ko`chasi, 24-uy
E-mail:
ishonch-doverie@mail.ru

Nashr ko`rsatkichi:
133

Navbatchi muharrir:
N.Rafiqov
Navbatchi:
A. Abdullayev
Musahhih:
N.Mahamov

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchilar:
H.Abdujalilov va Y.Mixaylovskiy

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili:
«Buyuk Turon» ko`chasi, 41-uy.

O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma`lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko`rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Ⓗ- Tijorat materiallari

Босишга топшириш вақти - 21.00.
Топширилди - 18.45
Буюртма Г — 114
20559 nusxada bosildi
ISSN 2010-5002
256




ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ КОРХОНАЛАРИ ВА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«TULPOR» савдо уйи масъулияти чекланган жамияти

Россия Федерациясининг ВАЗ-21041 ва ИЖ-27175 ҳамда ВАЗ-2107 автомобилларини накд пулга ва пул ўтказиш йўли билан сотишини маълум қилади.


ВАЗ-21041


ИЖ-27175

Автомобилларга божхона солиғи тўланган.

Уларнинг сифати тўла кафолатланади.


ВАЗ-2107

Манзил: Фарҳод ярмаркаси, 3-қатор. Мурожаат учун телефонлар: (8-371) 276-33-51, 276-77-20. Факс: (8-371) 276-97-40

Утерянный кадастр № 11-211/2007 выданный на имя ООО СП «Элга-Азия» СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.